ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ МУАММОЛАРИ

Акбар Саиткасимов
Жиззах давлат педагогика университети “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори
Ёркинжон Йўлдошев
Жиззах вилоят Ш.Рашидов тумани Бобур МФЙ раиси, мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Жаҳонда турли ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви шароитида инсониятга таҳдидлар ва уларнинг амалий кўринишлардан бири одам савдоси ҳисобланади. Одам савдоси феномени инсон ва жамиятнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини издан чиқарадиган, мамлакатда ижтимоий ва маънавий ҳаётни беқарорлаштирадиган маълум хавфли омиллардан биридир.

Калит сўзлар. Глобаллашув, геомафкура, жамият, маънавият, маънавий муҳит, инсоният, таҳдидлар, одам савдоси, маданий ҳаёт, барқарорлик.

Глобаллашув шароитида дунёда геосиёсий, геомафкуравий ва қарама-қаршиликларнинг кучайиши орқали инсоният турмуш тарзига қаратилган таҳдидларнинг кўплаб намоён бўлиши кузатилмоқда. Ер шарининг кўпгина ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг инқирозга учраётганлиги инсони шахсида катта салбий ўзгаришларни намоён бўлишига туртки бермоқда, бу эса дунёнинг бошқа барқарор минтақаларига ҳам ўзининг деструктив таъсирини ўтказмоқда. Бу эса, жамиятлар маънавий ва ғоявий муҳитига бузғунчилик асосидаги ғоялар ва хатти-ҳаракатларни тарқатиб, кўплаб зарарли оқибатларга олиб келаётганлиги кузатилмоқда.

Дунёда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви шароитида ривожланиб бораётган бир шароитда инсониятга таҳдидлар ва уларнинг амалий кўринишлардан бири одам савдоси ҳисобланади. Одам савдоси муаммоси жамиятнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини издан чиқарадиган, мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва маънавий вазият ҳамда иқтисодиёт тизимини беқарорлаштирадиган хавфли омиллардан бири бўлиб саналади. Ушбу жиноий ҳодисанинг дунё бўйлаб тарқалиши ўзининг кўлами, суръати ва амалиёти жиҳатидан барқарор муҳит учун ўта зарали таҳдидга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда”[1].

Дунё миқёсида охирги ўн йилликлар ичида рўй берган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жараёнлар таъсири остида вужудга келган салбий ҳодисалар орасида одам савдосининг салмоқли ўрни сақланиб қолмоқда. Мазкур ҳодиса шунингдек, инсониятни чуқур ташвишга солаётган таҳдид сифатида ҳам ўзига хос воқелик ҳисобланмоқда. Бугунги кунда амалдаги халқаро ҳужжатларга кўра, мазкур феномен инсониятга қаратилган энг оғир жиноятлар рўйхатига киради. Шунинг билан бир қаторда, Бирлашган Миллатлар

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганининг 24- йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. www.press-service.uz.

Ташкилотининг таснифига кўра, 17 та жиноят трансмиллий уюшган жиноят ҳисобланади ва одам савдоси, одам ўғирлаш ҳамда инсон органлари савдоси улар қаторидан жой олган.

Юқори технологиялар, илм-фан ва инновациялар ривожланган замонавий шароитда, кўпгина минтақаларда фаровонлик, кўпгина ҳудудларда эса, инсон турмуш тарзи инқирози юз бераётган бир пайтда, баъзи одамларнинг янада "тўкин ҳаёт" орзуси, унга бирдан эришишга бўлган эгоистик интилиши уларнинг турли туман ноқонуний йўллар билан жиноят қилиш истагини келтириб чиқармоқда. Уларнинг маънавий қадриятларга, тарихий анъаналарга, оила ва никоҳга ва ёшлар ахлоқини юксалишига бўлган муносабатларни назар-писанд қилмаслик ҳолатлари ҳам одам савдоси каби жиноятларни садир этиш майлларига таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат одам савдоси билан шуғулланувчи кишиларнинг хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларнинг оқибати ўлароқ, дунёда қатор ижтимоий-маънавий муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Одам савдоси дунё жиноят оламида наркотик ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринда туриши аниқланган. Мазкур феномен кенг қамровли тармоққа эга бўлиб, ўз таркибига турли хил тузулмалар, кичик криминал гуруҳлардан тортиб давлат ташкилотларигача жалб қилмоқда. Одам савдоси терроризм, диний экстремизм ва коррупция каби сиёсий жиноятлар билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлиши, ҳам давлат, ҳам халқаро ҳамжамиятга салбий таъсир кўрсатиши жиҳатидан инсоният ижтимоий-маънавий турмушига салмоқли хавф солиб турибди. Мазкур салбий жараённинг замонавий кўринишдаги моҳиятини қуйидаги асосларга кўра талқин этиш мумкин:

- замонавий дунёда глобаллашув жараёнларининг тобора кенгайиб бораётганлиги, кўпгина нобарқарор ҳудудларда инсон ҳуқуқларининг паймол бўлиш ҳолатларининг кузатилаётганлиги оқибатида одам савдоси турли шаклларда намоён бўлаётганлиги;

- дунёда рўй берган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар оқибатида одам савдосининг трансмиллий жиноятга айланаётганлиги ва ҳар бир ҳудуд барқарорлигига ўзига хос таъсир кўрсатаётганлиги;

- ушбу жиноятга ихтисослашган криминал гуруҳлар дунёнинг айрим мамлакатларига "тирик" товарни ўтказиш бўйича донор ва транзит давлатлар сифатида фойдаланаётганлиги;

- дунёда кўпгина минтақаларда сўнгги йилларда одам савдосига қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ва чора-тадбирлар дастурларининг реал вазиятга нисбатан тўлиқ жавоб бермаётганлиги мазкур феноменнинг нисбатан тезроқ тарқалиб боришига шарт-шароит яратмоқда.

Одам савдоси ва ноқонуний миграция ўртасидаги бирмунча боғликлар мавжудлиги бугунги кун замонавий амалиётидан маълум. Ушбу қилмишларни содир этувчи шахсларнинг манфаатлари, жиноят ривожи ва мотивлари, ривожланиш тенденциялари, сиёсий-ҳуқуқий оқибатлари ҳамда бошқа бир қатор жиҳатларидан келиб чиқиб, уларни айрим белгилари бир-бирига ўҳшайдиган таҳдид сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Ноқонуний равишда олиб чиқилган мигрантлар кутилмаган сабабларга кўра одам савдосининг қурбонига айланиши мумкин. Ноқонуний равишда олиб чиқилган мигрантлар ўз хоҳиши билан баъзи оғир шароитларга тушиб қолиши, уларнинг ўзлари одам савдосига рози бўлиб қолишлари амалиётда кўп кузатилган.

Одам савдоси жинояти, энг аввало, мамлакатлар сиёсий тизимига таҳдид солиш, инсонлар ва жамиятларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий оламини таназзулга олиб келиш хусусиятга эга бўлганлиги учун уни барқарор муҳитга қаратилган таҳдид сифатида ёндашиш муҳим мантиқий хулосалардан бири ҳисобланади. Бу ёндошув одам савдосида мақсадга эришиш йўлларида ҳам ифода этилади. Одам савдосининг "мақсадга эришиш йўллари - куч билан таҳдид қилиш ёки ишлатиш, ўғирлаш, алдаш ва бошқа усулларидир. Агар кўрсатиб ўтилган воситалар қўлланилан бўлса, бунда режалаштирилган эксплуатацияга қурбонларнинг розилиги эътиборга олинмайди"[1].

[1] Управление по наркотикам и преступности ООН. Сборник методических пособий по вопросам борьбы с торговлей людьми. Глобальная программа по борьбе с торговлей людьми. - Вена, Нью-Йорк. - 2008. - С. 2-3.

Одам савдосига берилган турли тушунтиришлар универсал ва минтақавий мақомга эга бўлган халқаро ташкилотларнинг конвенциялари ва келишувларида бевосита бериб ўтилган. 2000 йил15-ноябрь куни Нью-Йоркда қабул қилинган БМТнинг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши" конвенциясини тўлдирувчи "Одам савдосини, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда уларни содир этганлик учун жазо тайинлаш тўғрисида»ги баённомасининг 3-моддасида биринчи бўлиб "одам савдоси"га нисбатан универсал тушунча шакллантирилди[1].

Бугунги кунда дунёда одам савдоси жараёнларида болалар ва катта эркаклар сони кўпайган, аммо одам савдосининг асосий қурбонлари аёллар бўлиб қолмоқда. Одам савдоси қурбонларининг асосий катта қисмини - 70 фоизини аёллар ташкил этмоқда, уларнинг 20 фоизга яқини вояга этмаганлардир. Жабрланганларнинг яна 20 фоизи вояга етган эркаклар, қолганлари ўғил болалардир. Сўнгги 15 йил ичида одам савдоси контрабандачиларнинг аниқланган қурбонларининг миқдори сезиларли равишда ошди ва уларнинг демографик асосдаги таркиби ҳам ўзгарди - болалар улуши 10 фоиздан 30 фоизга, катталар эркаклар улуши эса икки бараварга ошди.

Бугунги кунда инсоният хулқ-атворидаги салбий даражаларга у ёки бу тарзда одам савдоси ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу жараёнда болаларнинг улуши ҳам ошиб бораётганлиги ачинарли ҳолатдир. Дунёда сўнгги 15 йил ичида одам савдоси оқибатидаги қурбонлар орасида болаларнинг улуши уч баравар, ўғил болалар эса беш баравар ошди. Бу жараёнда қизлар асосан жинсий эксплуатация мақсадида сотиб олинса, ўғил болалар кўпроқ мажбурий меҳнатнинг турли хилларига жалб қилинади. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (УНОДС) ҳар икки йилда бир марта чиқадиган янги ҳисоботида айтиб ўтилади.

"Дунё бўйлаб миллионлаб аёллар, болалар ва эркаклар ишламайди, ўқимайди ва ижтимоий ёрдам олиш имконига эга эмас. Бундай вазиятда улар одам савдогарлари қўлига тушиб қолиш хавфини янада оширадилар"[2], деб таъкидлайди БМТ вакили Гада Вали. У халқаро ҳамжамиятни одам савдосига, шунингдек, сайёрамизда яшовчи болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни турли хил зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун чоралар кўришга чақирди.

Одам савдосида жабрланганларнинг ярмидан кўпи жинсий эксплуатация мақсадида сотиб олинади ёки сотиб юборилади, 38 фоизи мажбурий меҳнат учун, олти фоизи жиноий фаолият билан шуғулланишга мажбур қилинади, тахминан бир фоизи эса, тиланчилик қилишга жалб этилади. Шунингдек, одам савдосига жалб этилганларнинг бир фоиздан камроғи инсон аъзолари савдоси, мажбурий никоҳ ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Қулларнинг меҳнати, айниқса, қишлоқ хўжалиги фаолиятида, қурилиш, балиқ ови, тоғ-кон саноати хизматларида ва уй ишлари учун узоқ аҳоли пунктларида қўлланилади.

Шуниси диққатга сазоворки, одам савдогарлари ўз фаолиятида янги технологияларни - потенциал қурбонларни қидиришдан тортиб, одам савдоси орқали сотиб олиб, уларни қаттиқ эксплуататсия қилишга қадар мукаммал режалаштирилган ҳатти-ҳаракатларни олиб боришади. Дўстлар излаш тариқасида потенциал қурбонлар сифатида болалар кўпинча ижтимоий тармоқларга жалб қилинади. 1-декабрь "Халқаро қулликни бекор қилиш куни" муносабати билан БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш "бугунги кунда жаҳон бўйлаб 40 миллиондан ортиқ одам замонавий қуллик занжирига тортилганлиги, уларнинг 71 фоизи қизлар ва аёллардан таркиб топганлиги ачинарли ҳол эканлиги"[3]ни таъкидлаган эди.

---

[1] Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: «Юрист-медиа маркази», 2009. - Б. 13.

[2] Гада Вали. Совместная работа со странами региона продолжится. https://isrs.uz/ru/xorijiy-ekspertlar-fikri

[3] Гутерриш А. Генсек ООН заявил о 40 млн людей, находящихся в рабских условиях. https://nsn.fm/society/gensek-oon-zayavil.

Одам савдоси бўйича содир этиладиган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ижтимоий барқарорликни таъминлаш омили сифатидаги тадқиқотлар бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Одам савдоси жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлиги воқелигининг ижтимоий ҳаётдаги намоён бўлиши "шахс, жамият ва давлат" тизими барқарорлиги, юрт тинчлиги, ҳудудлар осойишталигига тўғридан-тўғри таҳдид сифатида баҳоланади.

Ижтимоий ҳаёт тинчлиги ва осойишталигига бевосита таъсир этувчи одам савдоси трансмиллий жиноят ҳисобланиб, ёшлар томонидан ҳам содир этилиши бу борада давлат ва жамоатчилик тузилмаларини доимий хушёрликка чорлайди.

Одам савдоси бўйича содир этиладиган жиноятлар кишиларнинг ҳаёт тарзида учрайдиган турли салбий иллатлар бўлиб, уларни бартараф этишда ҳуқуқий меъёрларни макон ва замон хусусиятига биноат доимий такомиллаштириб бориш лозим.

Одам савдоси бўйича муаммоларни доимий ўрганиш, таҳлил этиш, унга қарши узлуксиз тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, социологик сўровлар, илмий анжуманлар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларни мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқ.